



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тўраева Дилфуза

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси*

**РУС ТИЛИДАГИ ТАСВИРИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА  
ТАРЖИМАСИ**

## **Аннотация**

Рус тилидан ўзбек тилига ўгирилган асарларда эса аксинча таржимонлар тасвирий воситаларга бот-бот мурожаат этадилар. Ушбу майдон воситалари бадий матнда турли услубий ва прагматик вазифаларни бажарганлиги сабаб таржимон улардан унумли фойдаланади. Биринчи ҳолатда таржимон рус тилидаги бирор феъл ёки сифатдаги тасвир семасини илғаб уни таржимада образли сўздан келиб чиққан бирор мустақил туркумга оид сўз орқали ўгириши мумкин. Бу матннинг информативлиги, эмотив ёки экспрессивлигини ошириш билан бирга аслият ва таржима ўртасидаги ҳажм муносабати талабини ҳам бузмайди. Бошқа ҳолатда таржимон матнга тасвирий сўзларни аффикциятсиз киритади. Бир томондан бу асар тилини халқчил қилишга кўмак берса бошқа томондан, таржима бирликлари номуносаб деган танқидга сабаб бўлиши мумкин. Фикримизча, матннинг умумий мазмуни, ёзувчи баёнига путур етказмайдиган даражада тасвирий сўз киритмаларидан фойдаланиш ўринлидир.

**Калит сўзлар:** тасвирий сўз, образли сўз, бадий таржима, ифода семаси, экспрессивлик, эмотивлик

Маълумки, таржима асарларида ёзувчи услуби, асар яратилган тил миллий менталитети, қаҳрамонлар руҳияти ва кайфиятини аслиятдагидек етказиб бериш таржимоннинг устивор вазифаларидан биридир. Шу билан бирга таржимон бошқа



тилда яратилган асарни ўз ўқувчиси учун руҳан яқин, тушунарли қилишга интилади. Бир қарашда ушбу икки вазифа тамомила бир-бирига зид кўриниши мумкин. Бироқ китобхон жавонидан ўз ўрнини эгаллай оладиган, муваффақиятли таржима айни шу бир бирига қарама қарши талаблармослаштириш ва сақлаб қолиш шартларига жавоб бера олиши шарт. Демак, мукаммал таржима устида заҳмат чекаётган таржимон қаршисида табиийки аслият матнининг қайси элементларини сақлаб қолиш лозим, қайсиларини мослаштириш керак деган ўринли савол туғилади. Тўғри танлов натижасида мукаммал бадий таржима юзага келади, аммо ушбу адабий мукаммаллик бевосита ёки билвосита лингвистик унсурлар ёрдамида яратилади. Шу сабабдан ҳам лингвистик таржима бадий асарни ўгиришда энг маъқул ечимдир.

Мустақиллик туфайли бугунги кунда миллий тил, миллий мафкура, миллий тафаккур ва миллий дунёқараш каби тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг узвий алоқадорлиги эътироф этилмоқда<sup>1</sup>. Ҳозирги замон тилшунослигида миллийлик, миллий менталитет, оламнинг миллий лисоний тасвири каби истилоҳлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Албатта, бу ҳолат тилнинг шаклдан моҳиятга томон дадил ҳаракатланаётган, тилшунослик назарияси антропоцентрик ғоялар билан бойиб бораётганидан далолатдир. Миллий менталитетнинг тилда намоён бўлиши хусусида сўз борар экан “тил менталлиги атамаси изоҳловчи тушунчада нафақат инсонни ўраб турган атроф муҳит, унинг ўзи яратган оламни, у билан бирга шаклланиб фурсати етганда йўқликка айланувчи оламни яъни нутқ фаолияти ва вазияти оламини ҳам назарда тутамиз”<sup>2</sup>. Миллий менталитет, оламнинг миллий лисоний тасвири, миллий концептосфера шу ва шу каби нисбатан янги атамалар хусусида турли изоҳ ва таърифлар мавжуд. Булар бари тилнинг қурилиши ва элементлар орасидаги тизмий муносабатлар каби аниқ масалаларни эмас, тилдаги ижтимоий хусусиятларини қамраб олганлиги боис таърифлар бир-биридан фарқлинишини кузатамиз. Шунга қарамадан, тилнинг ушбу доим ўзгаришда бўлган, жонли ижтимоий томонини тадқиқ этиш ўз катта амалий аҳамият касб этувчи натижалари билан ажралиб туради. Шулардан бири эса, шубҳасиз, бадий асарлар таржимаси сифатини ошириш, уларнинг эстетик савияси, услубий равонлигига хисса қўшишдан иборат. Зеро, тилдаги қайси воситалар оламнинг миллий лисоний тасвирини ташкил этиши, қайсилари шу тилда сўзлашувчи халқ менталитетини намоён этишини аниқ билиш таржимон учун матнда муайян элементларни сақлаб қолишни ўзига аниқ вазифа сифатида белгилай олади.

Асрлар давомида шаклланган анъанавий тилшунослик мактаби 19 асрга келиб жадал ўзгаришларга юз тутди. Лисоний бирликларни туркум ва турларга ўрганиш ўз актуаллигини йўқотиб воситаларнинг майдон сифатидаги тадқиқи эътибор марказида бўлмоқда. Айтиш жоизки, воситаларни майдон сифатида ўрганиш бир

<sup>1</sup> Yuldosheva N. E. Uzbek language syntax research methodology, / Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2021 : Iss. 06 , Article 34. –P. 371.

<sup>2</sup>Почепцов О. Языковая ментальность: способ представления мира//Вопросы языкознания № 6 – 1990 – С.111



томондан айна маънони англлатувчи турли сатҳ элементларини парадигмага жамлаш имконини яратади, бошқа томондан бир тил воситасининг турли сатҳларда қандай имкониятларга эга эканлигини текшириш қулайлигини беради. Оламнинг миллий лисоний тасвири каби мавҳум тушунчалар, уларнинг, айтайлик универсал тасвирдан фарқи айнан шундай функционал-семантик, лексик-семантик парадигмалар мисолида далилланади. Англашиладики, маълум маъно остида бириккан воситаларни майдон сифатида таҳлил қилиш амалда бадий таржима сифати ва савиясини юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Чунки оламнинг миллий лисоний тасвири каби умумий тушунча масалани мавҳумлаштиргани ҳолда, тил ходисаларини майдонларга ажратиш тилнинг ижтимоий хусусияти деган айна мавҳумликни аниқлаштиради.

Юқоридаги фаслларда тасвирий сўзлар оламнинг ўзбек миллий лисоний тасвирига хос майдон эканлиги, бунинг эквиваленти, жумладан, рус тилида мавжуд эмаслиги ойдинлашди. Ушбу масала қиёсидаги ассиметрия, айтиш жоизки, бироз мураккаб ҳаратерга эга. Чунончи, образли сўзларнинг бир тури ҳисобланган тақлидлар рус тилида ҳам мавжуд, яқин-яқингача ундов деб таснифланган ушбу гуруҳ ҳозирда *звукopodobные слова*стилоҳи остида алоҳида туркумга ажратила бошлади. Шунга қарамай, рус тилида тақлидлар ўрни хануз омонат, қўлланишига кўра улар кўпроқ ундовларга ўхшаши ҳам эътироф этилади.<sup>3</sup>Зеро образли сўзларнинг яна бир тури ҳолатга тақлид, яъни тасвирий сўзлар ушбу тилда мавжуд эмаслиги ҳам тақлид сўзлар нега туркумлар сирасида ўз мустақкам ўрнига эга эмаслигига жавоб бўла олади.

Тасвирий сўзлар нутқимизда шу қадар узоқ муддатдан бери мавжуд, ўрнашиб қолганки уларни оламнинг миллий лисоний тасвири бўлаги, менталитет намояндаси сифатида қабул қилиш имконсиз туюлади. Ушбу сўзларнинг семантик имкониятлари қаторида, грамматик полифункционаллиги тилимизнинг ижтимоий ўзига хослигини эмас, лисоний характерини кўпроқ очиб беради дейиш мумкин бир қарашда. Ушбу сўзларнинг мавжудлигини соф тилшунослик нуқтаи назаридан тил қурилишига боғлаш, яъни ўзбек тили агглютинатив табиати билан изоҳлаш мумкиндек кўринади. Бироқ, флектив ва баъзи ўринларда инкорпаратив қурилишга эга рус тилида тасвирий сўзлар йўқлиги қаторида инглиз тилида ушбу сўзлар мавжуд. Гарчи инглиз тили соф флектив табиатга эга бўлсада, ушбу тилда қатор феъл ва сифатлар айнан тасвирий сўзлар асосида шаклланган, бадий матн ва оғзаки нутқда тасвирий сўзларга бот-бот мурожаат этилади. Демак, тасвирий сўзлар бирор тилда мавжудлигига, ёки бўлмаслигига ўша тилнинг грамматик қурилишини тўлақонли асос бўлади деб бўлмайди. Тасвирий сўзлар мавжудлигига, фикримизча, тилдаги сўзларнинг типик товуш таркиби сабаб бўла олади. Рус тилидан фарқли

<sup>3</sup>Бу ҳақида қаранг: Рябкова Н. О разграничении междометий и звукоподражаний // Вестник ЮУрГГПУ, №3. – С-Пб: 2012 – С.351-358; Германович А. Междометия русского языка — Киев, 1966. — 172 с; Парсиева Л. Система междометия в общей парадигме языка (на материале осетинского и русского языков) : Автореф. дис. на соиск. учен. степ. докт. филол. наук — Владикавказ, 2010. — 43 с.

равишда, олтой тиллар оиласидаги туркий тиллар лексик таркиби асосан қисқа бир ёки икки бўғинли сўзлардан ташкил топган<sup>4</sup>, инглиз тилида ҳам соф англо-саксон асосга эга сўзлар қисқа бир-икки бўғинли бўлгани билан ажралиб туради. Фикримизча, ушбу икки тилда мавжуд тасвирий сўзлар ҳам айна шу бир-икки бўғинли мустақил сўз туркумига оид сўзлар андозасида шаклланган. Фақат образли сўзлар бошқа мустақил туркумлар каби мустақкам грамматик позицияга, категорияларга эга эмас. Уларни салмоғига кўра биринчи даражали гап бўлаклари вазифасини бажарувчи феъл ёки отга қиёслаб бўлмасида, равиш ва сифатлар билан семантик жиҳатдан бир қаторда кўриш мумкин.

Турли тилларда тасвирий элементлар фаркланади, бу фарқлар воситаларнинг грамматик ва семантик кўрсаткичларида яққол кўзга ташланади. Ўзбек тилидаги образли шу тасвирий воситалар сирасида соф туркий этимологияга эгаллиги, тилнинг қурилиши, товуш таркиби ҳақида тушунча шакллантира олиши билан ажралиб туради. Ушбу сўзлар маълум бир тилда сўзлашувчи кишиларнинг умумий талаффуз имкониятлари билан бирга топқирлиги, сўзлашув одатлари ва мулоқот тажрибасини кўрсатади, улар халқ оғзаки ижодида фаол қўлланилади, мақол маталларда, шеваларда тасвирий сўзлар хилма-хил, сўнг образли сўзлар бора-бора адабий тил меъёрига айланади.

Рус тилида образли сўзлардан фақат тақлидлар учрасида бу тасвирий сўзлар ўрнини босувчи муқобиллар мавжудлигини инкор этмайди. Юқоридаги фаслда ўзбек тилидаги тасвирий бирликлар рус тилига сифат, феъл ёки равишлар воситасида ўгирилиши мумкинлиги далиллар ёрдамида асосланди. Демак, рус тилидаги матнларда тасвирий сўзлар учрамасида улардаги турли феъл ва бошқа мустақил сўз туркумидаги тасвир семаси ўзбек тилига алоҳида тасвирий сўз сифатида ўгирилиши мумкин. Сўз таркибидаги кичик семани алоҳида сўз сифатида таржима қилиш гарчи сўзма-сўз таржима тамойилларига мос келмасида бадий матн учун айна муддаодир. Зеро, тасвирий сўзлар каби ўзбек тилига хос элементларнинг рус тилидан таржима қилинган асарларда учраши уни ўзбек ўқувчисига яқинлаштиради, асар янада тушунарли бўлишини таъминлайди. Масалан: *Бу гаплардан кейин шкафда гимирлаб қўяман. У шкафда бегона одам борлигини пайқайди.* (Л.Измайлов “Ўйиндан ўт чиқди” тарж. Ҳ.Сиддиқ); *Бизнинг яхмалак тоғимиз ўзининг ялтироқ, жимжимадор тусини йўқотиб, қорая бошлади, кейин бутунлай эриб кетди.* (А.Чехов “Ҳазил” тарж. С.Абдуҳаҳҳор); *Абогин оғир одимлар билан уй ўртасига лорсиллаб келди, қадди букилди, оҳ тортди, кейин муштларини силкитиб туриб бақирди* (А.Чехов *Душманлар* – тарж. М.Исмоилов); *Бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган бўри болалари аллақачон уйқудан кўз очиб ўралари ёнида тизилиб туришарди, улар оналарининг келаётганини кўриб думларини лик-лик ликиллата бошлади.* (А.Чехов “Оқ қаншар” – тарж. Н.Ибрагимова); *Қоронги гулзор томон бир-икки зина босиб тушгач, бошимни кўтариб осмонга қарадим: булутли эди,*

<sup>4</sup>Серебренников Б., Гаджиева Н. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. – М.: Наука, 1986



аллақаерларда юлдузлар **милтмиллайди**. (Л.Авилова “Бир умрлик муҳаббат” – тарж. Ш. Тожибоева)

Умуман олганда ўзбек бадиий адабиётида ҳам насрий, ҳам назмий асарларда тасвирий сўзларга кўп мурожаат этилади. Чунки тасвирий сўзлар матнда бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, тасвирий сўзлар матннинг информативлик хусусиятини оширади. Масалан, *гужур-гужур, гиж-гиж, виж-виж, лиқ-лиқ* каби тасвирий элементлар *тўлиб-тошган, ҳаддан зиёд, сон-саноқсиз даражада кўп* сингари сўз ва бирикмалардан қисқароқ, киши тасавурида ҳосил қиладиган тушунчаси ҳам тўлиқроқдир. Лўндалик ва информативлик сабабли ушбу воситалар шеърӣ асарларда, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган достон, халқ кўшиқлари ҳамда топишмоқларда кўп учрайди. Иккинчидан, юқорида саналган тасвирий бирликлар айна бир хил семага эга бошқа мустақил сўз туркумига оид воситалар билан бирикишига ҳам гувоҳ бўламиз. Бунда, ёзувчи тасвирий сўзнинг информативлик хусусиятига эмас, экспрессивлиги, маълумотни бўрттириб кўрсатиш имкониятига эҳтиёж сезади. Масалан: *Мен болохона айвонида рўмолга ўралиб олганча узоқларга тикиламан, дарахтларнинг уч-учларидами-ей сочилиб ётган юлдузлар милт-милт ёнади*. (Л.Авилова “Бир умрлик муҳаббат” тарж. Ш. Тожибоева); *Худди асалари чаққан кишиники сингари юзи лўппи Володя гамгин бир тарзда хонадан хонага ўтар, ҳеч нарса емасди*. (А.Чехов “Ўғил болалар” – тарж. Ҳ.Аҳророва); *Қаёққа қарасанг, пашиагуб-губайланади... Бобом билан арман пичирлашиб, нуқул мол боқши, яйлов ва қўйлар тўғрисида гапиришарди...* (А.Чехов “Гўзаллар” – тарж. А.Алиев)

Юқоридаги мисолларда таржимон тасвирий бирликлар асосида шаклланган сўзларга мурожаат этганини кўрамиз. Айтиш жоизки, бу ўринда аслият матннинг умумий мазмуни сақлаб қолинган, қолаверса, мазмун ифодавийлиги ортган. Бунга тасвирий сўзлар бевосита ва билвосита сабаб бўлади. Англашиладики, рус тилидан ўзбек тилига амалга оширилган таржималарда тасвирий сўзлардан келиб чиққан сўзларнинг қўлланиши ушбу ҳолатларда ўринлидир. Бу сўзлар таржимон томонидан киритма эмас, аслиятда матнда мавжуд бўлган маълум бир гап бўлагининг ўрнига муқобил сифатида қўлланилган. Шу боисдан, рус тилидан ўзбек тилига ўгрилган матнларда тасвирий сўзлардан шаклланган феъл ёки сифатларни қўллаш сўзма-сўз таржима меъёрларини бузмайди, баҳсга сабаб бўлмайди. Аммо, таржимага соф тасвирий сўзларнинг киритилиши турли мутахассислар томонидан фарқли баҳоланади. Бир томондан тасвирий сўз киритмалари аслият матнidan сўзма-сўз таржима низомларини бузади. Улар бир қарашда ёзувчининг баён услуби ўзбек тилида ўзгариб кетишига ҳам сабаб бўлади. Бирок, масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Таржима асарни имкон қадар аслиятга мувофиқ қилишга интилиш билан бирга таржимон шунингдек уни ўз ўқувчиси учун ҳам максимал даражада тушунарли бўлишини, мутоала чоғида замон ва макон фарқи иложи борича сезилмай кетишини истайди. Шу нуқтаи назардан, тасвирий сўзлар, тақлидлар каби киритмалар таржимада қўлланиши оқланади. Тасвирий сўзларнинг матнда бажара

оладиган вазифаларини қуйидагича умумлаштирсак, ушбу элементларни баъзи ҳолларда матнга киритиш умумий мазмунга путур етказмаган ҳолда таржима сифатини оширади дея оламиз.

ТАСВИРИЙ СЎЗЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДАГИ ВАЗИФАЛАРИ		
Тасвирий сўзлар бирор ҳолатни киши тасаввурида қисқа-лўнда восита сифатида аниқ акс эттиришга хизмат қилади.	Тасвирий сўзлар ўзи билан деярли айнан ёки ўхшаш луғавий маънога эга сўз билан бирикканда ёндош сўз луғавий маъносини кучайтириш мақсадида қўлланади.	Тасвирий сўзлар маълум бир матн экспрессивлигини орттириш билан бирга ёзувчи услуби халқчил, содда бўлишини таъминлайди.

Англашиладики, рус тилида тасвирий сўзлар майдон сифатида мавжуд бўлмасда бу тилнинг тасвирий имкониятлари торлигидан асло далолат бермайди. Зеро, бир тилдаги категория бошқасида буткул ўзга шаклда учраши муқаррар. Масалан, рус лексикаси ҳолат тасвири маъносини ўзида мужассам этган сифат ва феъл сўз туркумига оид сўзларга бой, улар турли маъно гуруҳларга, лексик семантик майдонларга ажратиб ўрганилган. Ўз-ўзидан рус тилида яратилган бадий асарлар поэтикаси ҳам айни шу лексик сатҳ рангбаранглиги ҳисобига мукаммаллашади. Шундай экан, бадий матн поэтикасини сақлаб қолиш, қўлланилган феъл ёки сифатларнинг маълум бир семасига урғу бериш учун ўзбек тилидаги таржима матнида тасвирий сўзлардан асос олган феъл ва сифатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, таржима матнида соф тасвирий бирликларни киритиш ҳар доим ҳам тўғри танлов бўлмаслиги мумкин.

Маълумки, “таржима бирлиги – матннинг энг минимал бўлаги, яъни минимал нутқ бўлаги бўлиб унинг аслият матнида мавжудлиги таржимада ҳам айни шу бўлакнинг пайдо бўлишини муқаррар белгилаб беради”.<sup>5</sup> Бироқ, бадий таржимада бундай мутлақ принциплар билан иш юритиш ноўрин. Зеро, баъзи нутқ бирликлари таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлмаслиги, бу эса тилнинг қурилиши билан боғлиқ эканлиги тасвирий бирликлар мисолида асосланди. Шундай экан, тасвирий сўзларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилишда уларни алоҳида таржима бирлиги сифатида кўздан кечириш, ёки аксинча рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинаётган матнларда тасвирий сўзлардан фойдаланиш қарори бевосита таржимон зиммасидаги танлов бўлмоғи лозим.

<sup>5</sup>Комиссаров В. Слово о переводе – М.: Международные отношения, 1973. – С.188



## Адабиётлар:

1. Германович А. Междометия русского языка — Киев, 1966. — 172 с.
2. Комиссаров В. Слово о переводе – М.: Международные отношения, 1973. – С.188.
3. Парсиева Л. Система междометия в общей парадигме языка (на материале осетинского и русского языков) :Автореф. дис. на соиск. учен. степ. докт. филол. наук — Владикавказ, 2010. — 43 с.
4. Почепцов О. Языковая ментальность: способ представления мира//Вопросы языкознания № 6 – 1990 – С.111
5. Кахрамоновна М. D. CONCEPT AND CLASSIFICATION OF ENGLISH PHRASEOLOGISMS AND THEIR SYNONYMS IN RUSSIAN //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 07. – С. 166-169.
6. Рябкова Н. О разграничении междометий и звукоподражаний // Вестник ЮУрГГПУ, №3. – С-Пб: 2012 – С.351-358.
7. Серебренников Б.,Гаджиева Н.Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. – М.: Наука, 1986.
8. Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: “Фан”, 1966.
9. Yuldosheva N. E. Uzbek language syntax research methodology, / Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2021 : Iss. 06 , Article 34. – P. 371.
10. Юнусалиев. М.Киргизская лексикология – Фрунзе, 1959.